



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT
TUMANI HOKIMINING
QARORI**

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 16 - I-mart

784 -son

Bog‘ot shaharchasi

Фуқаро Хўсинова Рўзигул
Нуриллаевнанинг турар жой биносига
бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб
бериш тўғрисида

Боғот тумани “Ёш ўсмир” маҳалласида яшовчи фуқаро Хўсинова Рўзигул Нуриллаевнанинг “Ёш ўсмир” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 8 январдаги ШЯ-Х-52-сонли аризасини, “Ёш ўсмир” маҳалласи фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2020 йил 29 декабрдаги 4305-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани “Ёш ўсмир” маҳалласида жойлашган 9 (тўққиз) та хонадан иборат, яшаш хоналари 5 (беш)та бўлиб, ички ўлчами 113,95 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 112,25 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 226,20 квадрат метр, қурилиш ости майдони 293,4 квадрат метр, умумий ер майдони 1280,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Хўсинова Рўзигул Нуриллаевнага мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Хўсинова Рўзигул Нуриллаевнага ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, кўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширишда Ўзбекистон

Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Хўсинова Рўзигул Нуриллаевнага ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими
вазифасини бажарувчи**



Ш.Яхшибаев